27 ЯНВ 1992

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

● № 10 (21. 129) 1992 йил 14 январь, сешанба ●

Баҳоси 35 тийин.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

Сессия залида.

АХБОРОТ

13 январь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши навбатдан ташқари тўқкизинчи сессиясининг ялпи мажлислари давом этди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримов**нинг таклифига биноан Олий Кенгаш **А. Муталовни** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тасдиқлади, бундан аввал у республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган эди.

Олий Кенгашнинг саккизинчи сессияси топшириғига мувофиқ ишчи гуруҳ раҳбари депутат **М. М. Мирқосимов** республика назорат органлари тизимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни баён этди. Фикрлашиб олингандан кейин парламент янги орган—республика Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назоратини таъсис этиш ва айни вақтда Халқ назорати комитетини тугатиш ҳақида қонун қабул қилди. Шу муносабат билан Олий Кенгаш конституцияга тегишли ўзгартишлар киритди. Депутатлар Президент И. А. Каримовнинг таклифини қувватлаб, М. М. Мирқосимовни Давлат назоратининг раиси лавозимига тасдиқладилар.

Фан, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш комитетининг раиси **А. Асқаров** Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар қонун лойиҳасини талабчанлик билан синчиклаб муҳокама қилганларидан кейин уни пухтароқ ишлаб чиқиш учун комитетлар ва комиссияларга юборишга қарор қилдилар.

Кечки мажлис бошланган пайтда сессия секретариатининг раҳбари **А. Носиров** депутатларнинг мурожаатлари билан ишлаш тўғрисида ахборот берди.

Шундан кейин Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси иккинчи ўқилишда муҳокама қилина бошлади. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси **Э. Ҳ. Халилов** маъруза қилди.

Моддама-модда муҳокама қилиниб, овозга қўйилгандан сўнг қонун қабул этилди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети раисининг ўринбосари **Э. Ҳ. Салимов** иккинчи ўқилишда Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун ҳам қабул этилди.

Ўзбекистон Республикасининг алоқа тўғрисидаги қонуни муҳокама этилди. Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг раиси **Ғ. З. Заҳриддинов**нинг маърузаси юзасидан мазкур қонун қабул қилинди.

Депутатлар Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат телевидение ва радио эшиттириш комитетини Ўзбекистон Давлат телерадио эшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисидаги, **У. А. Абдураззақовни** республика ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш ва **Ш. Н. Маҳмудова** бошқа ишга ўтиши муносабати билан уни шу лавозимдан озод этиш ҳақидаги фармонларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон парламенти ўз ишини давом эттиради.

Танаффус пайтида.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ-РАЗВЕДКА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА

Республиканинг минерал-хом ашё базасини ривожлантиришдаги узоқ йиллик ҳалол меҳнати ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»:

Аҳмедов Нурмуҳаммад — «Самарқандгеология» бирлашмасининг бош муҳандиси

Болтабоев Кабир — Тошкент «Геологоразведка» заводининг слесари

Муракаев Рафиқ Сафоевич — «Узбекгидрогеология» бирлашмаси Мирзачўл гидрогеология экспедициясининг бошлиғи

Сандқулов Аҳадулло — «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси Косон нефть-газ разведка экспедициясининг пармаловчи мастери

Тенглашев Иброҳим — «Ташкентгеология» бирлашмаси Чирчиқ геология-разведка экспедициясининг бошлиғи

Холмирзаев Насрулло Ҳикматуллаевич — «Самарқандгеология» бирлашмаси Қизилқум геология-разведка экспедицияси туркумининг бошлиғи

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдуллаев Очил — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси 18-геология-разведка экспедициясининг тракторчиси

Оққулов Қолдибой — «Тошкентгеология» бирлашмаси Олмалиқ геология-разведка экспедицияси пармалаш қурилмасининг машинисти

Антонов Александр Евгеньевич — Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот институти нодир металлар шўъбасининг мудири

Ашуров Холиёр — «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси минора монтаж экспедициясининг иш бажарувчиси

Бульхина Лира Алимовна — «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси режа-молия бўлимининг бошлиғи

Виноградов Сергей Николаевич — «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси ёрдамчи хўжалигининг директори

Гафуржонов Самиқжон — «Тошкентгеология» бирлашмаси «Химгеолнеруд» экспедициясининг бошлиғи

Зуев Сергей Николаевич — «Узбекгеофизика» бирлашмаси туркумининг бош геофизиги

Ибоев Пардабой — «Тошкентгеология» бирлашмаси шарқий қурама геология-разведка экспедициясининг кон ишчиси

Кендирбоев Жаҳонгир — «Узбекгидрогеология» бирлашмаси Тошкент яқинидаги гидрогеология экспедициясининг пармалаш мастери

Леменовский Владимир Анатольевич — «Самарқандгеология» бирлашмасининг бош директори

Мамаднёров Бахтиёр Умирович — «Самарқандгеология» бирлашмаси Ғаллаорол геология-разведка экспедициясининг мастери

Рустамов Носир — «Узбекгеофизика» бирлашмаси Яккабоғ геофизика экспедициясининг бошлиғи

Тимошенко Александр Адамович — «Самарқандгеология» бирлашмаси Зарафшон геология-қидирув шахтасининг ишчиси

Турдиев Ҳамро Тешаевич — «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси Олот нефть-газ разведка экспедициясининг бошлиғи

Ҳакимов Сайфулло Ҳамроевич — «Самарқандгеология» бирлашмаси Қизилқум геология-разведка экспедициясининг машинисти

Шоджонов Саиджон Нуъмонович — Бухоро пармалаш техникаси заводининг директори

Эрназаров Аҳмад — Шарқий қурама геология-разведка экспедицияси кон мастери

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Абдулҳошим Муталов Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ

АБДУЛҲОШИМ

МУТАЛОВ

1947 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон районининг Телов қишлоғида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, мутахассислиги — технолог-муҳандис. 1976 йилда Бутуниттифоқ озиқ-овқат саноати сиртқи институтини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкентдаги 2-нон маҳсулотлари комбинатида ишчи бўлиб бошлаган. Совет Армияси сафида хизмат қилиб келганидан кейин Тошкент шаҳридаги нон маҳсулотлари комбинатларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1979—1986 йилларда Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинатининг директори бўлди. 1986 йилда Ўзбекистон ССР нон маҳсулотлари вазирининг ўринбосари, 1987 йилда эса вазири этиб тайинланди. 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикасининг халқ депутати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Мираҳмад Мирҳожиевич Мирқосимов Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси давлат назоратининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ РАИСИ

МИРАҲМАД МИРҲОЖИЕВИЧ

МИРҚОСИМОВ

1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, ихтисоси — механик-муҳандис, 1962 йилда Тошкент политехника институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1962 йилда «Герметик» технология ва машинасозлик марказий конструкторлик бюросининг муҳандиси бўлиб бошлаган, кейинчалик шу ерда бир қанча раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1973 йилдан партия ишида — Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва Марказий Комитети аппаратларида ишлаган, Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар комитети, Хоразм ва Тошкент вилоят комитетларининг биринчи котиби бўлган. 1989—1990 йилларда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси бўлган. 1990 йилда Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси этиб тайинланган, Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати.

Таниқшинг:

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ КОМПАНИЯСИ РАИСИ

Э. Қ. ҲАЙИТБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоев Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси раиси қилиб тайинланди.

Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоев 1935 йилда Наманган вилоят, Янгиқўрғон районидаги Заркент қишлоғида туғилган. 1960 йилда Тошкент давлат дорилфунунининг тарих факультетини тамомлагач, Андижон Давлат педагогика институтида ишлади. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти аспирантурасини битириб, тарих фанлари номзоди унвонини ёқлади. 1965-69-йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида ишлади. 1969 йил июндан бошлаб эса Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси аппаратида, Ўзбекистон Компартияси ҳузуридаги Партия тарихи институтида директор ўринбосари, Наманган вилоят партия қўмитасида, Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси ташвиқот бўлимида хизмат қилди. 1986-1988 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси ахборот ва чет эллар билан алоқалар бўлими мудири, 1988 йил июль ойидан Ўзбекистон Ахборот агентлигининг директори бўлиб ишлади.

— Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясининг бутун диққат-эътибори, — деди Эркин Қаҳҳорович, — мустақил Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилиш, бунёдкорлик, республиканинг келажаги манфаатларини кўзлаб, унинг шитоб билан ривожланиши ва равнақ топиши учун жамиятдаги барча соғлом ижобий кучларни сафарбар этишга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дастури, матбуот тўғрисидаги қонун ва кейинги сессия ҳужжатларида мафкура соҳасида баён қилинган ғоялар бизнинг компаниямиз фаолиятига ҳам тегишли. Энг муҳими телерадиоэшиттириш компанияси бирор идора ва ташкилотга боғлиқ эмас. У мустақил Ўзбекистон худудида ҳақиқат ва адолат тантанаси учун камарбаста бўлишга даъват этилгандир.

Ф. Шоҳ ИСМОЙИЛ.

• ПАРТИЯ НУФУЗИ

ЯНГИЧА ИШЛАШ, ЯНГИЧА ФИКРЛАШ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДАН

СУҲБАТДОШНИ ТАНИШТИРАМИЗ:

Нўъмонжон Шокиров Бошқирдистон қишлоқ хўжалиги олийгоҳида таълим олган. Меҳнат фаолиятини оддий зоотехниклиқдан бошлаган. Собиқ Андижон вилоят партия қўмитасида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида инструктор, сектор мудири бўлиб ишлаган. Кейин Андижон районида ижроқўм раиси, райкомнинг биринчи котиби, халқ депутатлари район Кенгашининг раиси лавозимларида ҳалол ишлаб чиниққан.

Нўъмонжон Шокиров Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят ташкилоти таъсис конференциясида вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди...

— Нўъмонжон Шокирович, Сиз бир неча йил собиқ Компартияда раҳбарлик лавозимларида ишладингиз. Бугун эса Халқ демократик партияси вилоят ташкилотида биринчи котибсиз. Сизнингча Компартия билан Халқ демократик партияси ўртасида қандай фарқ бор? Одамлар орасида ҳозир ҳам янги партиянинг ташкил этилиши бу Компартиянинг номини ўзгартиришдангина иборат бўлди, деган гаплар юрибди...

— Мен бу фикрга қўшилмайман, уни асоссиз деб ҳисоблайман. Халқ демократик партияси собиқ Компартиянинг янги кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир. Биз 73 йил Компартияга эътиқод қўйдик. Уни Ленин партияси, деб улуғладик. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин кейинги йилларда рўй берган воқеалар таъсири остида Ўзбекистон Компартияси тоталитар, маъмурий буйруқбозлик партия-давлат тузуми шароитида Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришнинг тарихий хусусиятларини ва ўзига хос амалий фаолиятини эътиборга олиб, бундан буён иш олиб боролмаслигини англаб етди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси фавқулодда қурултой чақирди. Қурултойда Республика ва унинг халқи олий манфаатларига амал қилиб, халқ таянадиган, суянадиган партия тузиш зарур, деган тўхтамга келинди. Халқ демократик партияси ана шундай туғилди. Янги партия ташкилий тузилиши жиҳатидан ҳам эски партиядан тубдан фарқ қилади. Вилоят партия кенгаши девони ўта ихчам — 15 кишидан иборат. Уч котиб ва 12 масъул ходим ишлаяпти. Ўн кишидан иборат вилоят партия кенгаши ижроия бюроси ишнинг боришини йўналтириб турибди.

Аппаратда асосан иккита бўлим: ички партиявий, тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳамда депутатлар билан ишлаш бўлимлари, ишлар бошқармаси, таҳлил ва тахмин қилиш гуруҳи фаолият кўрсатяпти. Иш услубига келсак биз кўпроқ жойларда бўлиб, халқнинг дардини ўрганяпмиз. Халқ демократик партияси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари, кенг халқ оммасининг маслаҳатлари фаолиятимиз мезонига айланиб боряпти.

— Орадан икки ой ўтган бўлса ҳам айрим кишилар Компартиянинг собиқ аъзолари ХДП сафига мажбуран киритиляпти, деган гапларни айтишяпти. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу мутлақо нотўғри фикр. Аниқ фактларга асосланадиган бўлсак, илгари Андижон вилоят партия ташкилоти ҳисобида 60 минг коммунист бор эди. Шундан фақат 18 минг нафари ХДПга аъзо бўлиш ихтиёрини билдирди. Шундай экан, қандай қилиб уларни мажбуран янги партияга киритилди, дейиш мумкин? Вилоятимиз бўйича илгари ҳеч қандай сиёсий партия аъзоси бўлмаган 5 мингдан зиёд фуқаро ўз тақдирини Халқ демократик партияси билан боғлади. Улар ўз сиёсий йўлларини онгли равишда танлаб олдилар. Ўтган қисқа вақт ичида шунча ўсишга эришилди. Янги партияга кириш истагини билдириб ариза бериш давом этаётганлиги қувонарли бир ҳолдир.

Вилоят бўйича 856 та бошланғич, 166 та ҳудудий партия ташкилоти туздик. Қўрғонтепа районида эса Халқ демократик партияси Советобод шаҳар кенгаши иш бошлади. Таъсис пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов иштирок этди.

Компартияга ўхшаб якка ҳокимлик қилиш, ҳамма масалаларга аралашавериш янги партиянинг вазифасига кирмайди. Ҳокимлик ўрнига сиёсат билан, амалий иш билан шуғулланяпмиз. Зарурат туғилганда ҳўжалик ишларига ҳам кўмаклашяпмиз. Ҳар бир ишда мустақил Ўзбекистоннинг конституцияси ва қонунларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатяпмиз.

Халқ демократик партияси Андижон шаҳар Кенгашининг биринчи котиби М. Қирғизбоев дадил иш бошлади. Унинг Ўзбекистон ХДП таъсис қурултойида сўзлаган нутқи ҳаммага маъқул бўлган эди. Ў бошлиқ Кенгаш аъзолари ўз фаолиятида халқнинг энг яхши демократик анъаналарига — адолат, эзгулик, тенглик ва инсон шахси эркинлиги каби умуминсоний қадриятларга, ахлоқийлик ва одамийлик қоидаларига суянган ҳолда иш юритишяпти.

ХДП Олтинқўл район Кенгашининг илк қадами ҳам эътиборга лойиқ. Районда 56 та бошланғич, 16 та ҳудудий партия ташкилоти тузилди. ХДП аъзолари сони 1400 кишига етди. Бу ташкилот ўзининг молиявий хўжалигини яратиш ва бойитиш йўлларини қидиряпти. ХДП район Кенгаши қошида кичик корхона очилди. Бу корхона олийгоҳ муаллимлари билан келишган ҳолда пуллик курслар очиб, болаларга эски ўзбек ёзувини ўргатишга киришди. Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти Неъматжон Араббоев бу ишга раҳбарлик қиляпти.

— Кўппартиялилик шароитида Халқ демократик партияси ўз обрў-эътибори учун қандай иш олиб боряпти?

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳозирги шароитни аввалги шароитга тенглаштириб бўлмайди. Аввал Компартиянинг биринчи котиби нима деса, тўғрими ё нотўғрими, албатта шу иш бўларди. Ҳамма ишга партиявий раҳбарлик ҳукмрон эди. Янги партиянинг эса ўз йўли бор.

Биз биринчи галда одамлар билан ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Шу йўл билан халқ эҳтиёжларини қондиришга интиляпмиз. Вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга партия аъзолари бўлган халқ депутатлари орқали таъсир ўтказяпмиз. Вилоят кенгашида партиямиз мавқеи ва обрўсини сақлаш учун курашяпмиз. Биз вақт синовидан ўтган, халқ томонидан тўла қўллаб-қувватланган илғор фикрларни ўзимизга дастур қилиб олдик ва оламиз. Кадр танлашда ҳам вилоят кенгаши раҳбарияти билан бамаслаҳат иш тутяпмиз. Партия ташкилоти халқ депутатлари Пахтаобод район кенгаши раислигига собиқ ижроқўм раиси Усмонжон Иномиддинов номзодини кўрсатди ва унинг сайланишига эришди.

— Янги партиянинг вазифалари унинг Дастури ва Низомида аниқ ёзиб қўйилган. Лекин айни пайтда вилоятимизда қандай ишларни биринчи навбатда амалга ошириш варур деб ўйлайсиз?

— Ҳозир идорада ўтириб ишлайдиган замон эмас. Турмуш билан қизиқиб, халқ билан ҳамдард, ҳамнафас бўляпмиз. Партия аъзолари орасидан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда маънавий, иқтисодий таназзулдан қандай қутилиш режасини тузяпмиз. Ўртада янги партия тақдири, мустақил давлат тақдири турибди. Жойларда бўлганимда янги партия аъзолари ана шу масалалар ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Халқ турмуш тарзини яхшилаш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ночор оилалар, ёлғиз кишилар, қариялар, кўп болали оилалар ва ногиронларнинг аҳволини ўнглаш янги партиянинг бош вазифаси, деб биламан. Янги партия обрўсини ошириш, софлигини таъминлаш, аъзолари сонини кўпайтириш каби масалалар айни кунларда янги партияга аъзо бўлган кишиларнинг фаоллигига боғлиқ.

Менимча, партия ишида демократияга катта эътибор бериш, фикрлар хилма-хиллигини эшита билиш ва ундан фойдали маслаҳатларни ажратиб олиш, ҳар қандай мунозараларнинг маданийлигини таъминлаш ютуқлар мезони бўлиб хизмат қилади.

— Собиқ КПСС аъзоларига қандай муносабатда бўлиняпти? Улар орасида янги партияга қайта рўйхатдан ўтганлар ҳам, ўтмаганлар ҳам бор.

— Ҳозирча янги партия аъзолигига қабул қилинганларнинг 18 мингдан кўпроғи собиқ КПСС аъзоларидир. Коммунист бўлиб қолишни лозим кўрган кишилар ҳам йўқ эмас. Лекин биз уларнинг ҳурматини жойига қўяяпмиз. Зарур бўлса ёрдам ҳам берамиз.

Ҳар бир одамнинг ўз фикри бор. У ким бўлишидан қатъий назар ўз дунёқарашига эга. Жамиятдаги воқеаларга шахсий нуқтаи назардан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Шу боисдан Халқ демократик партиясига аъзо бўлган ёки аъзо бўлмаган собиқ КПСС аъзоларига ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Қайтага республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликда ҳаракат қиляпмиз.

Партия сафларини янги аъзолар ҳисобига ўстириш олдимизда турган масъулиятли вазифалардан биридир. Бу ишга ниҳоятда жиддий ёндошяпмиз, янги партиянинг мақсадини кексаларга ҳам, ёшларга ҳам эринмай тушунтиряпмиз. Партия сафига нопок, сиёсий ғўр кишиларни мутлақо қабул қилмаяпмиз.

— Нўъмонжон Шокирович, Халқ демократик партияси бошқа партия гуруҳи ва уюшмалар билан қандай муносабатда бўляпти?

— Халқ демократик партиясининг ҳам, «Эрк» демократик партиясининг ҳам, бошқа гуруҳ ва уюшмаларнинг ҳам дастурий мақсадлари деярли бир хил: халққа хизмат қилиш, Ўзбекистоннинг мустақиллигини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Биз республика конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Халқнинг тўкин турмуш кечириши, ҳар бир инсон, ҳар бир оила муносиб моддий мавқега эга бўлиши учун курашаётганларнинг ҳаммаси билан маслакдошмиз. Ягона мақсад йўлида бирлашишга ҳамда бамаслаҳат иш юритишга ҳаракат қиляпмиз. Шунга қарамасдан айрим гуруҳлар демократияни ўзларича тушуниб, амалий иш ўрнига қуруқ ваъзхонлик қилишяпти. Шунинг учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши республикада ижтимоий-сиёсий аҳволни барқарорлаштириш учун биринчи навбатда иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш масаласини кўтаряпти. Собиқ ислоҳоти, давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларини акционерлаштириш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги ва бошқа қонун лойиҳаларини тайёрлашда тегишли йўллар билан фаол иштирок этмоқда.

Биз корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар меҳнат жамоаларининг ўз маблағлари ҳисобига кишиларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини янада ошириш имкониятларини топиш юзасидан ташаббус кўрсатишларига кўмаклашяпмиз. Партия ташкилотлари ҳайр-эҳсон тадбирлари, ночор оилаларга, болалар уйлари, интернатларда тарбияланувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ишларнинг ташаббускорлари ҳам бўляптилар. Янги йил арафасида Андижон шаҳридаги, Қўрғонтепа, Асака ва Избоскандаги ногиронлар уйига бориб совға-саломлар топширдик.

Партиямиз ташкилий жиҳатдан энди оёққа турди. Истиқбол йўлига илк қадам қўйди. У янгича ишлаш, янгича фикрлашни ўзига касб этяпти. Унинг тутган йўли истиқболли экани аниқ. Шу сабабдан одамлар кўнглида умид учқунлаяпти, турмуш тарзимиз яхшиланишига, Халқ демократик партияси обрў қозонишига ишонч туғиляпти.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози»мухбири А. ҚУРОНБОЕВ олиб борди.

• МУСТАҚИЛЛИК ИШЧАНЛИКНИ ЕҚТИРАДИ

ЎЗ КОРХОНАМИЗГА БИР НАЗАР

Замон ўзгариб, ҳар ким ўз ишхонасидаги аҳволга зийрак назар ташлайдиган палла келди.

— Жамоаларнинг раҳбарлари ҳозир нуқул таъминот ишлари билан ўралашиб қоляпти, — дейди Жарқўрғон нефть маҳсулотлари омборининг бошлиғи Аҳмад Ҳасанов хуноби ошиб турганини билдирмасликка уриниб. — Мана, кўрдингиз, бугуннинг ўзида йигирма икки раҳбарнинг бензин сўраб қилган илтимосини рад қилдим. Ишхонам илтимосхонага айланиб қолди. Ҳаётнинг ўзи илтимосхонага айланяптими, дейман. Ёнилғи бўлса камайгандан камаймоқда...

— Жарқўрғонга йилига четдан 50-60 минг тонна нефть маҳсулоти келтирилгани баробарида шу ернинг ўзидан четга йилига 200 минг тонна нефть жўнатиларкан...

— Тўғри, гап, — дейди Ҳасанов телефон кўнғироғига эътибор қилмай. — Жарқўрғоннинг нефть қазиб чиқарадиган катта корхонаси бор. Биз илгари бу корхонадан фақат битум-қорамой чиқади, деб юргандик. Қайси куни корхона директорининг қалбига қўл солиб кўрдим. Э, келинг, очиқчасига гаплашайлик, дедим. У ҳам бу гал ҳеч нарсани яшириб ўтирмади. Нефтимиздан йигирма фоиз бензин чиқади, деди. Шунча бензин билан билсангиз, вилоятимизнинг ярмини овунтириб турсак бўлади. Лекин фақат бир нарса — нефтни қайта ишлаш саноати корхонаси керак. Бундай корхона қуришга эса пулимиз йўқ. Бор пулимизнинг имонихтиёри Рустамнинг қўлида.

— Рустам деганингиз ким? — деб сўрайман Ҳасановдан.

— Рустам — Рустамда, — дейди у кулиб. — Вилоят нефть таъминоти бошқармасининг каттаси.

Ҳасановнинг одати шунақа экан: лавозимидан қатъий назар ёши ўзидан кичик бўлган кишини кўпларга ўхшаб «ака» ёки «фалончи фалончиевич» деб ўтирмас, шунчаки исмини айтиб қўя қоларкан.

● РАҲБАРНИНГ ТАЪМИНОТЧИГА АЙЛАНИШИ

● ЧЎНТАКДАГИ ШИФОХОНА

Кабинетга яна қайсидир бир бошлиқ бензин илтимос қилиб кирди ва рад жавобини эшитиб ҳам ўрнидан жилмай ўтираверди. Бу гал Ҳасанов хуноби ошганини яширолмади ва тамаки йўқлаштира бошлади. Гугуртни қарс ёндириб, сигарет чекди. Кимдир бир қутиқ сигаретни унга томон суриб, олиб қўйинг, деди.

— Керакмас, — деди Ҳасанов қатъий қилиб, — Чўнтагимда тамаки эмас, шифохона олиб юрадиган одамман.

Ҳасановнинг бу гапидан у чўнтагини тўлдириб доридармон олиб юрса керак, деб ўйларсиз. Мутлақо ундай эмас. Бу дунёда унинг ёмон кўрганы — дорихонанинг ҳиди. Олдига яқинлашмайди. Ҳовлисида волейбол майдони бор. Бўш вақтларида қарсиллатиб тўп тепади. Жисмоний тарбия билан шуғулланади. Яқиндагина эса идораси қошида профилакторий-шифохона қурдирди. Бу ерда массаж хонаси, фин услубидаги ҳаммом, электр токи билан даволаш, тишни даволаш хоналари ишлаб турипти. Ҳасановнинг «чўнтагимда шифохона олиб юраман» деган гапининг маъноси шу.

Кимдир унга омбор қошида профилакторийдан кўра видеохона очиш керак, деб ақл берди. Ҳасанов олдиқочди томошаларнинг миқтасидан кўра одам зотига ўн дақиқалик жисмоний тарбия афзал, деди. Шу гап туртки бўлиб, омбор ҳовлисида ҳам спорт майдончаларини қуришни кўнглига тугди.

Аҳмад Ҳасановни кўплар бадавлат одам дейишади. У нефть маҳсулотлари омборининг бешигини тебратаётганига ҳам анча йил бўлиб қолди ахир, деб нималаргадир ишора қилишади.

Ҳасановнинг бой-бадавлат эканлигига мен ҳам ишонаман. Тўғри, унинг қанча пули-ю, хазинаси борлигини билмайман. Бунинг менга қизиғи ҳам йўқ. Бу гапни мен у чўнтагида шифохона олиб юргани учун айтаяпман. Майда-чуйда гапларни юрагига илаштириб юриш одати йўқлиги, қолаверса олтмишга яқинлашган одамнинг соғлом — суяги қушдай енгиллигини кўриб айтаяпман. Бундай одамлар мард ва хушчақчақ бўлишади. Бойликнинг бундан зиёдаси қайда, дейсиз.

Гурунг сўнгида мен Жарқўрғон нефтини қайта ишлаш мавзусини эслатдим.

Ҳасанов қўл силтади. Қўлимда бўлгандами, қайта ишлаш корхонасини аллақачонлар қурган бўлардим, деди. Бу дунёда бир нарсадан бюрократлардан шаҳдам қайтади. Шуниси алам қилади менга. — деб кулди ва яна... тамаки тутатди.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Чирчиқ пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда ҳаридорбоп истеъмол буюмлари тайёрлашни кўпайтирмоқда. Бу ерда турли ёшдаги кишилар учун пойабзал ишлаб чиқариляпти. Сифатли маҳсулотлар пешма-пеш савдо шохобчаларига жўнатиляпти.

СУРАТДА: корхона илғор ишчиси Зуҳра Қоратоева. У ойлик топшириқларни ошириб бажармоқда.

Д. АҲМАД олган сурат.

СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?

СОФ ФОЙДА ҲИСОБИГА

Республикамизнинг мустақиллиги корхоналар, бошқармалар, бирлашмалар, хўжаликларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Буни Қорақалпоғистон диёри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш саноати бирлашмасига қарашли пахта тозалаш корхонасининг жамоалари, инженер-техник ходимлари ва ишчилари катта меҳнат ютуқларига эришдилар. Ишлаб чиқаришнинг барча турлари бўйича белгиланган режа ва топшириқлар ошириб бажарилди. 487 миллион 330 минг сўм ўрнига 524 миллион 676 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тола ишлаб чиқариш режадаги 75 минг 800 тонна ўрнига 75 минг 885 тонна қилиб бажарилди. Бу ютуққа Хўжайли, Тўрткўл, Манғит пахта тозалаш заводлари ишчилари, инженер-техниклари муносиб ҳисса қўшдилар. А. Алакеев, М. Давлатов, К. Камолиддинов бошлиқ бригада аъзолари ғайрат кўрсатиб ишладилар. Бирлашма жамоаси режадан ташқари 45 миллион сўмлик маҳсулот, 2500 тоннадан кўпроқ пахта толасини ишлаб чиқарди. Янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илғор тажрибалар асосида меҳнат қилиш меҳнат унумдорлигини оширди. Маҳсулот сифатини яхшилашда ибратли ишлар қилинди. Бу соҳада режалаштирилган 12 миллион 320 минг сўм ўрнига 33 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олиш кутилмоқда.

Ишчилар, инженер-техникларнинг ижтимоий турмушини янада яхшилашда бирлашма раҳбарияти барча тадбирларни амалга оширмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЧЎПОН БОБОЛАР ДУОСИ

„ЁМОН КЎЗДАН АСРАСИН“

Жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг яйлов чорвачилиги ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисидаги Фармонини эшитгач, эрталаб Советобод районига жўнаб кетдим.

Халқ депутатлари район Кенгаши раиси Сирож Холбозоров, Халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби Пирим Мустафоевлар гапни шундай бошлашди:

— Биз «Ўзбекистон овози» ижодий ходимларидан жуда миннатдормиз. Чунки унда қоракўлчилик муаммосига бағишлаб бир қатор яхши мақолалар берилди. Бугун эса сиз биринчи бўлиб бизни Президент Фармони билан табриклаб турибсиз. Очиғи, ҳар ким ҳам чўпон меҳнатининг қадрига етавермайди...

Улар ҳамроҳлигида чўпонлар ҳузурига отландик. Жарқудуққа етганимизда С. Холбозоров шофёрга «тўхта» ишорасини қилди.

— Бу машҳур чўпон Маҳан Норқораевнинг отари. Ана отахоннинг ўзи шу ерда эканлар.

Қуёш чиққан бўлса-да, ҳавонинг заҳри қаттиқ. Қўйчивон тўнининг устидан бризент плашч кийиб олган. Қўлида радиоприёмник. Салом-аликдан кейин унинг ўзи гап бошлаб қолди.

— Биз чўпонларни сийлайдиган раҳбарлар ҳам бор экан! Каримовнинг отасига раҳмат! Ишонсангиз 45 йил сурув ҳайдадим. Аммо бирорта раҳбар нонинг борми, ошинг борми, деб сўраган эмас. Ҳаммаси баҳорда барра гўшти ейишни биладди, сурдан телпак кийишни яхши кўради. Мана шу совуқда бир соат туриб берса, сўнг бизнинг қадримизга етарди.

— Қўй-қўзидан нечта, Маҳан бобо?

— Минг бош, болам.

— Ўзингизникиям бордир-а?

— Қизиқсизда, мўхбир болам, бу яйловда бирникита қўй қилмасак бўлмайди, ахир. Бутун авлодимиз қўй боқиб кун кўришган. Тўнғичим Номоз қанотимга кирди. Яна иккитаси ҳам чўпон. Ўзимку майли-я, уларга ачиниб юргандим. Худога шукур; косамиз оқарадиган бўлди. Қаранг, энди қишлоқ хўжалик солиғи тўламаймиз. Ул-бул нарса олишда бизни ҳам рўйхатга киритадиган бўлишди. Таътилни ҳам чўзишди. Аслида шунча йил ишлаб таътил деган нарсани билмасдик...

Маҳан бобо биз билан хайрлашиб, суруви томон кетди.

— Районимиз қоракўлчиликка ихтисослашган, — дейди С. Холбозоров. — Чўпон йил-ўн икки ой сурув ортидан юриб бошқа қаергa ҳам борарди. Шу боис уларга етарли шароит яратиш ҳаракатидамиз. Мактаблар, дўхтирхоналар очяпмиз. Ўтган йили 55 чўпонга енгил автомашина берилди. Дарвоқе, бултур районда ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи олинганди. Унинг 74 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Ўртабўз яйловларида машҳур чўпон Араб бобо Жумаев билан суҳбатлашдик. Отахоннинг дарди ичида экан.

— Мен сизга айтсам, чўпонлик бу сизлар ёзгандай яйлов кезиш эмас. Қишда шилта тозалайман деб майиб бўлганлар қанча.

— Мана, Президент Фармони чиқди. Эътибор кучаяди энди.

— Қачондан бери кутардим шу кунни! Одамнинг кўнглидагини биларкан Каримов. Лекин ҳали буниси кам, мен сизга айтсам. Бу олимлар терини навлашни шу даражада чалкаштириб ташлашганки, баъзан бу ишда катталарнинг ҳам боши қотиб қолади. Ваҳоланки, ота-боболаримиз ҳар қандай терининг навини беш қўлдай билишган. Пўстин тикадиганларга терининг ҳар донасини 70 сўмдан қўшқўллаб топширамиз. Улар, эшитишимча, четга ҳар бир донасини 18 долларга сотишармиш. Шундай экан, терини ўзлари биздан келиб олиб кетишсин-да!

Араб бобонинг суҳбатидан кейин Сахоба қишлоғига йўл олдик. Бу гал Пирим Мустафоев «ёрилди».

— 403 та отарнинг барчаси ижара пудратига ўтган. Фикри-зикримиз чўпонларнинг талофатсиз олиб чиқсам дейди. Дарвоқе, барча кучлар ана шу мақсадга қаратилган. Ем-хашак етарли. «Вездеходка»лар ишлаб турибди. Чўпоннинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришибди.

Президентимизнинг янги Фармони советободликларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Улар бунга жавобан қўй-қўзиларни қишловдан беталофат олиб чиқиш билан бирга баҳорда ҳар юз бош совлиқдан камида юзтадан қўзи олишга аҳд қилдилар.

«Саҳоба» давлат хўжалиги чўпони Тўхтамурод ака Усанов назаримда барча юртдошлари фикрини изҳор этди:

— Юртимиз бошига шундай саҳоватпеша одам келибдими, биз ҳам унга ёрдам берамиз. Ҳалол-покиза, унумли ишлаймиз. Ҳўй мухбир ука, агар Тошкентга борсанг, ўртоқ Каримовга мендан салом айт. Қарнабчўлда Тўхтамурод ака деган чўпон бор экан, етмишга кирса ҳам қўй боқаркан, де, хўпми? Лекин чўпонларнинг у кишидан мингдан-минг рози эканлигини айтиш эсингдан чиқмасин. Ҳар қалай, кўз тегмасин у кишига...

Ф. ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

● МЕҲР-ШАФҚАТ

ҚАРДОШЛИК БУРЧИ

Чернобиль ҳалокати! Буни тилга олишнинг ўзи нақадар оғир. Бу машъум фожеадан ўзбек ўғлонлари ҳам четда қолганлари йўқ. Шаҳрисабз-лик ўнлаб бунёдкор йигитлар атом электростанциясининг ҳалокатини бартараф этишга отланишган эди.

Жумладан Ҳамдам Очилов, Султон Чоршанбиев, Салим Султонов, Дилшод Азизов, Раззоқ Мерганов, Ҳасан Ҳуррамов, Холдор Ҳушвақтов, Ғайрат Дўстов, Сувон Гадоев каби мардона йигитлар кўнгилли равишда Чернобилга бориб, атом электр станцияси оқибатларини тугатишда фаол қатнашдилар.

Ҳа, қон-қардошлик бурчини адо этиш чоғида уларнинг айримлари нурланди, ногирон бўлиб қолди. Бевақт ҳаётдан кўз юмганлар ҳам бўлди. Ота-оналар, қариндош-уруғлар бўзлаб қолди. У кунлар сира унутилмайди. Шаҳрисабз районининг Мироқи қўрғонидаги Беруний кўчаси 1-уйда Чернобиль ҳалокатини бартараф этиш қатнашчилари уюшмаси тузилди. У ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ёки ҳалокатдан бевосита зарар кўрган, шунингдек ҳар қандай нурланиш олган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этувчи, керак бўлса моддий ёрдам кўрсатувчи оммавий жамоат ташкилотидир. Яқинда Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси бу жамоа ташкилоти низомини рўйхатга олди.

Рўйхатга олинган ташкилотлар қаторида Қаршидаги «Садоқат» диний ҳайрия маркази ҳам бор.

— Мақсадимиз вилоятдаги қадимий Шарқ маданиятини тиклаб, анъаналарни рўёбга чиқариш, — дейди марказ раиси Исмоилхон Райхонов. — Бу ижтимоий-маданий марказ. ҳисобланиб, инсон ҳуқуқлари декларацияси, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги умумхалқ битимига таянган ҳолда иш олиб боради. Бундан ташқари мусулмон аҳлининг маънавий ҳамда маданий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турли-туман тадбирлар уюштиради, кўргазмалар ташкил этади, кечалар ва учрашувлар ўтказади.

— Шу кунгача 30 га яқин жамоа ташкилотлари, уюшма ва марказлар низоми рўйхатга олинди, — дейди вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Рустам Мамадиев. — Улар орасида корейслар ва араблар маданий марказлари, Қамаши районидаги «Ҳазрати Лангарота», «Ҳазрати Мир Алишер Навоий», Китоб районидаги «Кўктўнли ота» масжидлари, вилоят деҳқонлар иттифоқи ва колхозлар кенгаши каби уюшма ва жамоат ташкилотлари ҳам бор. Бу масжид ва жамоат ташкилотлари ўз низомида белгиланган қоидалар асосида фойдали иш олиб боради.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

ЁКИ ИНСОН ОМИЛИ ҲАҚИДА

Қаердаки хўжалик раҳбари ўзидан кўра кўпроқ бошқаларни ўйласа, одамларни ўз оиласи аъзоларидек қадрласа, ҳисоб-китобни ўрнига қўйса, ўша жойда инсон омили амал қилган. Буни Паркент районидаги «Чотқол» давлат хўжалиги мисолида кўриш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, аксарият давлат хўжаликлари фойда кўриш ўрнига зарарни қоплаш билан овора бўлган. Бозор муносабатларига ўтилаётган шароитда эса бундай фаолият хўжаликнинг инқирозга учрашини тезлаштиришини хўжалик директори Эрмон Холмонов яхши идрок этарди. У кўп йиллик бой тажрибасига суянди, одамларга ишлаш ва яшаш шароитини яратмасдан туриб, меҳнат самарадорлиги тўғрисида ўйлаш мумкин эмаслигини тушунди. Уни иқтисодий заиф хўжалик — «Чотқол»га раҳбар этиб тайинлашганда юқоридаги сингари ниятларни кўнглига тугиб қўйганди. Яхши ният-ёрти мол, деганлари энди хўжалик турмушида ўз аксини топмоқда.

Жамоа аъзолари асосан ёшлардан иборат. Энг «кекса» ишчининг ёши 52 га тўғри келар экан. Нима учун уларнинг дам олиш пайтини кўнгилли ўтказадиган спорт иншоотлари қуриш мумкин эмас? Бир қарашда бу тадбир кулгулироқ бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Айтайлик, жамоа аъзоларининг асосий касби-сабзаватчилик, соҳибкор, картошкакор ва чўпонлик. Уларда бўш вақт нима қилсин? Ҳатто шундай дегувчилар ҳам топилди. Лекин директор сўзида қатъий эди.

— Қишлоқ шаҳардан қолишмаслиги керак. Аввал шароит яратиб берайлик.

Аслида у ёшларнинг кўп қисми билан бу тўғрида келишиб олган эди. Ишлар бошланиб кетди. Жамоа аъзолари бажонидил ҳашарга кела бошладилар. Қисқа вақт ичида футбол, волейбол, баскетбол майдончалари бунёд этилди. Қаранг, доим иш билан банд бўладиганлар ҳам энди кўнгилли дамга вақт топишадиган бўлишди.

Хўжаликнинг Жудуруқ участкасида фақат бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган мактаб бор эди, холос. Айни пайтда унинг ёнига қўшимча хоналар қурилиб, ҳадемай у ўрта мактабга айлантирилади. Қурилиши бошланган яна бир 465 ўринли ўрта мактаб биноси эса шу йилдан ўқувчиларни ўз бағрига олади.

Тўғрисини айтиш керак, кўп жойларда чўпонлар меҳнат шароитини яхшилаш юзасидан бениҳоя кам ғамхўрлик қилинади. Айниқса, қишлов мавсумида бу қусурлар кўзга яққолроқ ташланиб қолади. Эрмон ака эса чорвадорлар дардини яхши билгани учун ҳам улар ташвишига шерик бўлди. Саккиз минг бош қўй парвариш қилинадиган 17 қўра ёнида чўпонлар учун пишган ғиштдан уйлар қуришга киришилди. Айни пайтда етти чўпон оиласи шундай уйларда яшаб, меҳнат қилмоқда. Қолган ўнтаси мазкур йилда қуриб битказилади. Бу четдан қаралганда жўнгина юмушдай кўринса-да, аммо сув, транспорт чиқиши қийин бўлган қир тепаликларида бинокорлик ишларини амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис чорвадорлар бу қийин ишни ўз гарданига олган «Паркентводстрой» трести қурувчиларидан миннатдордирлар. Улар бунинг эвазига қурилиш қўламини тобора кенгайтириб боряптилар. Жумладан, хўжалик марказида универсал магазин, бир йўла 40 тонна юкни тортиб оладиган тарозихона, бригадаларда дала шийпони, ҳар бири 500 бош жониворга мўлжалланган учта қўйхона, 250 бош йилқи сиғадиган бостирма, тиббиёт нуқтаси (пункти), трактор парки ва бошқа маданий-маиший бинолар қад ростлаяпти. Юз хонадон ҳадемай телефон хизматидан фойдалана бошлайди.

Кўқламдаёқ бу йилнинг қиши иқтисодий танглик билан кечиши тўғрисида шов-шув гап бўлди. Чунки нарх-наво ошгани сари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бориши табиий эди. «Чотқол»да эса бу тадбир аслида бурноғи йилдан амал қила бошлаганди. Жумладан, ҳар бир ишчи оиласига 200 килограммдан дон улашилганди. Шу даврга келиб, хўжалик бир миллион 620 минг сўм қарзидан узилиб, йилни 560 минг сўм соф фойда билан якунлашга муваффақ бўлганди. Бу район хўжаликлари ичида яхши кўрсаткич ҳисобланарди.

Ўтган йилда республика Президенти И. А. Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш юзасидан бир неча бор огоҳлантиришлари зое кетмади. Биргина ушбу хўжаликда бу борада талайгина юмушларга қўл урилди. Жумладан, қиш учун ҳар бир оилага 150 килограммдан ун тақсимланди. Йил давомида ҳам шунча берилган эди. 360 бош қўй сотилди, яна 80 та қўй рўйхат билан сотилади. Айни пайтда хўжаликда қанча чорва моллари бўлса, аҳолида ҳам шунча мол бўлишига эришилди. Айирбошлаш йўли билан келтирилган беш тонна гуручнинг ҳар килограмми 2 сўм 20 тийиндан жамоа аъзоларига сотилади. Аҳолига тарқатиш учун беш тонна нўхот, ўн тонна узум, эллик тонна картошка, Оҳангарондан келтирилган эллик тонна буғдой унга айлантирилган ҳолда заҳирага қўйилган. Ўрта Чирчиқ районидан яна 20 тонна шоли келтириш масаласи ҳал бўлиши кутилмоқда.

Жамоада тўй-маъракаларни ўтказишда баҳоли қудрат ёрдам бериш одат тусига кириб боряпти. Маълумки, ўзбек тўй-ҳашами ширинликсиз ўтмайди. Дўконларда эса улар йўқ. Тўй соҳиби бу ва бошқа масалаларда албатта, хўжалик раҳбарига мурожаат қилади. Шу мақсадда Чирчиқ ва Янгиобод шаҳарлари савдо идоралари билан мол айирбошлаш ҳисобидан қанд, конфетлар келтирилиб, тўй эгаларига берилмоқда, шу йўл билан тайёр кийим ва кийимликлар олиб келинди.

Ноябрь ойидан бошлаб Паркент шаҳри аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Яъни хўжаликда шаҳар эҳтиёжи учун бўрдоқига боқилаётган 300 бош қўй ва 20 бош йилқи янги очилган қушхонада сўйилиб, фирма дўконида сотила бошланди. Унинг нархи кооператив дўконларидагидан бир неча сўм арзон. Ҳадемай, тухумга кирган минг бош товуқ сотиб олинади. Айтайлик, агар уларнинг эллик фоизи кунига тухум қиладиган бўлса, бу 80—70 хонадон тухум билан таъминланди, демакдир. Аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабини маълум даражада қондириш мақсадида хом ғишт заводи қуриляпти. У кўкламдан бошлаб аҳоли хизматида бўлади.

— Одамлар орасида бўлиш, дилидагини топиш ва шунга яраша уларга ёрдам бериш ҳозир бизнинг энг муҳим вазифамиздир, — дейди Эрмон Холмонов. — Биргина мисол, ўтган йил кўкламда пиёз, картошка экинларини сел олиб кетди. Бошқа экинлар ҳам хавф остида қолди. Лекин деҳқонларимизга минг раҳмат, сабзавот, полиз экинлари режалари ортиғи билан бажарилди. Чорва туёғи бирмунча кўпайди. Ўйлайманки, бундан кейинги ишларимиз ҳам чакки бўлмайди.

Биз ҳам ишонгимиз келади. Чунки жамоанинг Зоир Ҳакимов, Усет Давудалиев, Сайлов Суяров, Ўроз-али Сатторов, Сирлибой Мирзаалиев сингари турли касбдаги норлари бор экан, хўжалик юки ерда қолмайди!

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент вилояти.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигида Собир Усмонов 20 минг сўм давлатдан ссуда олиб, оилавий фермер хўжалигини ташкил қилди. Ҳозиргача, унинг қарамоғидаги қорамоллар сони 50 бошга етди. Ўтган йили давлатга 30 тонна сут, 8 тонна гўшт топширишди.

СУРАТДА: фермер қизи соғувчи Гулсара Усмонова.

Умарали ҚУШВОҚОВ олган сурат.

* * *



Йўлдош Собиров 30 йилдан буён ҳунармандлик қилиб келади. У тайёрлаган ёғоч араваларни Хоразм вилоятининг барча районларида учратиш мумкин.

Уста Йўлдошга ҳунармандлик — ота касб. Эндиликда ўғли Йўлдош бу анъаналарни давом эттиряпти.

СУРАТДА: уста Йўлдош Собиров арава учун ғилдирак ясамоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲАЁТ

ҲАМ ГЎШТ, ҲАМ ДОН

Яқинда Қозоғистон Республикасининг Тўрғай ва Ўзбекистон Республикасининг Қашқадарё вилоятлари ўртасида ўзаро иқтисодий шартнома имзоланди. Қашқадарё вилоят ижроия комитети раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Турсунпўлат Каримов бошчилигидаги делегация Тўрғай вилоятига бориб, узоқ муддатли ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиб қайтди.

Мухбиримиз унга шундай савол билан мурожаат қилди:

— Тўрғай вилояти билан тузилган шартномадан мурод нима?

— Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда халқимиз вилоят айрим раҳбарлари шанига ҳам, таъминотчи ташкилотлар шанига ҳам ўринли эътирозлар билдирмоқдалар. Масалан, мен вилоят ижроия комитети раиси сифатида буни тўғри ва ҳаққоний деб ҳисоблайман. Чунки савдо ходимлари ишида тартибсизлик, кучайиб кетди. Фондлар ҳалол тақсимланмаяпти. Қимматчилик устига нархга нарх қўйиб сотишлар бўляпти. Ташмачилик кўзга ташланмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолига сотилиши лозим бўлган ўн бир хил маҳсулотни етказиб беришда ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда. Кийим-кечак билан таъминлашда аҳвол бундан бадтар. Пештахталар бўм-бўш. Шунинг учун ҳам одамларнинг асаблари таранг. Айниқса, гўшт қимматлашди. Биз қиш-қировли кунларда аҳолини оғир вазиятдан олиб чиқиш имкониятларини қидиряпмиз. Республика ҳукуматининг ёрдами билан Тўрғай вилояти билан узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро иқтисодий алоқа ўрнатганимиз анча мадад бўлди.

— Қандай маҳсулотларни олди-берди қилмоқчисизлар?

— Биринчи навбатда одамлар иқтисодини бироз бўлса ҳам яхшилайдиган маҳсулотларни айрибошлашга киришамиз. Тўрғай вилояти ижроия комитети раҳбарлари билан бу борада келишиб олдик. Арзон нархда улар бизга гўшт, шунингдек, ғалла бера бошладилар. Бунинг учун қозоқ дўстларимизда етарли имкониятлар бор экан. Вилоятнинг ер майдони Қашқадарёникидан тўрт баравар кўп. Икки миллион гектар майдонда дон етиштирилади. Чорвачилик яхши ривожланмоқда. Бир миллион бош қўйи ва 250 минг бош қорамоли бор.

Сиздан угина, биздан бугина деганларидек, биз ҳам ўз навбатида тўрғайликларга махсус самолётлар билан мева, сабзавот, узум, консерва маҳсулотлари юборамиз. Шунингдек, вилоят маркази Орқалиқ шаҳрида иккита фирма магазини очамиз.

Албатта, бу ишнинг бошланиши. Биринчи навбатда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун районларимиз ҳам Қозоғистон Республикасининг Павлодарь ва Чимкент вилоятлари билан иқтисодий алоқа ўрнатмоқдалар. Бундан кейин қозоғистонлик дўстларимиз билан ижтимоий-маданий соҳаларда ҳам борди-келдини йўлга қўямиз.

Суҳбатдош

К. МУСАЕВ.

• *МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК*

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Бундан бир неча йил муқаддам Чирчиқ дарёсининг ташландиқ қирғоғидан 72 гектар тошлоқ ер Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг марказий бошқармасига ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш учун ажратилган эди.

1989 йилда ёрдамчи хўжалик ишлари юришиб кетди. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга асосий эътибор қаратилди. Қандай экинни қаергa экиш кераклиги аниқланди. Бир қарич ҳам бўш ер қолдирилмай, полиз ва бошқа экинлар экилди.

Ўша йили ҳосил ҳам ёмон бўлмади. Қилинган харажат қопланди. Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозор нархидан 3—4 баробар арзон баҳода кўзи ожиз ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Бундан ташқари, бу ерда ўттизта йирик шоҳли қорамол ва учта от боқилаётир. Ҳаётда 1,5 тонна гўшт арзон нархда кўзи ожизларга сотилди. Албатта, булар ҳозирги иқтисодиёт танг шароитда одамларга мадад бўлди. Ўтган йили ёрдамчи хўжалик 110 минг сўм соф фойда олди. Жамоа аҳли жорий йилда даромадни 250 минг сўмга, соф фойдани эса 150 минг сўмга етказиш ниятида.

Фойда олингани билан ҳали эҳтиёж тўла қондирилмаяпти. Сабаби ер камлик қилади. Кўзи ожизлар жамиятининг Сирдарё ишлаб чиқариш комбинати ишчилари истиқомат қилаётган турар жой қаршисида 15 гектарча фойдаланилмай ётган ер бор. Агар ўша ер ҳам ажратиб берилса, ҳеч бўлмаганда чорва моллари учун озуқа етиштириш имкони бўлур эди. Яна бир гап. Масалан, ўтган йили олинган 110 минг сўм соф фойда ҳисобидан нега чорва моллари сотиб олиш мумкин эмас? Бу эса гўшт тақчиллигини бироз бўлсада енгиллаштирган бўларди. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган шароитда кўзи ожизларга холис мадад бериш бурчимиз эмасми?

Р. РЎЗМЕТОВ.

«ТИРИКЛАР БУРЧИ»— МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

МАДАНИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Мустақил Ўзбекистон жумҳуриятини барпо этиш ва унинг мустақил давлатини қарор топтириш учун дастлабки қийин, аммо жасоратли қадамлар қўйилаётган ҳозирги даврда битта масалага ойдинлик киритиб олишимиз керак: ўзбеклар халқми ёки уруғ-қабила шаклидаги қурамаларми? Бор-ди-ю, у халқ бўлса, яна унинг устига давлатли миллат бўлиш даъвати билан чиқаётган бўлса, унда бу халқ (миллат)нинг ўзига хос, бетакрор маданияти, анъанага айланган урф-одатлари ва маросимлари бўлади, ана шуларни эъзозлаш, ардоқлаш орқали у халқ ягона бирлик сифатида барқарор бўлади. Агар у уруғ-қабила тарзидаги қурама бўлса, унда ўзбеклар турли босқинчи-келгиндилар маданиятига кўр-кўрона эргашадиган, ўша маданиятлар асири бўлиб яшашга қўникадиган ва бундан ор-номус қилмайдиган галалардан иборат бўлиб қолади. Муҳтарам Ҳожиакбар Расуловнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Тириклар бурчи» муаммоли мақоласига мен шу нуқтаи назардан ёндошгим келади.

Шуни аниқ биламанки, ўзбекларнинг авлод-аждодлари жаҳондаги энг қадимий халқлар қаторига киради. Унинг ўзига хос давлатчилиги ҳам бўлган. Мана шу ҳақиқатни ҳар бир киши билиши, қалбдан ҳис этиши ниҳоятда долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, ўзлигини билган, англаган одамларгина мустақил жумҳуриятнинг мустақил давлатига эга бўлишга қобилиятлидирлар. Ҳожиакбар ака «ҳар даҳанинг, маҳалланинг ўз қабристони бўлган» деб хўб ва ҳақ гапни айтган. Бу — Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг маданият белгиларидан бири. Нега? Ўтмиш авлодларимизнинг пок руҳлари ёшлар қалбидан муносиб ўрин олсагина, авлодлар тизимида узилиш бўлмай, ёш авлод руҳи пок бўлишини халқимиз азалдан билган. Ўзбеклар, бошқа маданиятли халқлар каби, ёшларни тарбиялашга ниҳоятда катта эътибор берган: ҳар бир имкониятдан шу улуғ мақсад йўлида фойдаланишга ҳаракат қилган. Мозорларнинг истиқомат жойларига яқин бўлганлиги ана шу мулоҳазалар билан белгиланади. Эртами-кечми одамлар пировардида борадиган масканларини ҳар куни кўриб турганлар, ёшларга кўрсатганлар.

Умуман Ўзбекистондаги дафн ва хотира билан боғлиқ анъанавий урф-одатлар исломгача бўлган диний тасаввурлари билан боғланиб кетади. Ҳозирги ўзбекларнинг кўпчилиги ўз ота-боболари дунё халқлари орасида биринчи бўлиб китобий динга эга бўлганликларини билмайди. Ватани асосан Ўрта Осиё бўлган зардўштийлик кейинчалик буддо, христиан, ислом каби динларнинг шаклланишида, расм-русумларнинг барпо бўлишида тарихан катта роль ўйнагани билан фахрланса арзийди. Мен ўша қадимий динни тиклаш керак демоқчи эмасман. Бу ерда гап шундай динни яратган халқнинг тарихан маданияти ҳам ардоқли бўлганлигига эътиборни қаратмоқчиман, холос. Зардўшлик дини ҳукмрон бўлган даврларда аждодларимиз марҳумларни махсус дахмаларида қуритиб, кейин суякларинигина кичик бир сопол идишга жойлаб дафн этганлар. Шунинг учун бўлса керак, бундай мозорлар катта ерни эгалламаган.

Истиқомат жойига яқин бўлган мозорларни тоза тутиш қулай бўлган. Йилнинг муайян кунларида мозорларга чироқ ёқиб, ёғлиқ чалпак билан бўғирсоқ пишириб, ис чиқариб марҳумларни тавоф этиш жуда қадимий одатлар қаторига киради. Ўша ниҳоятда қийинчилик пайтларида ёғлиқ чалпак билан бўғирсоқ пиширилишини кутиб турган болалар унинг нима учун тайёрланганини сўрашган, ота-оналари билан мозорларга бориб ўз авлодларини мунтазам равишда зиёрат этишган, уларнинг руҳига содиқ бўлиб қолиш учун бир умрлик қасамёд этишган. Марҳумларга, улар сукут қақлаб ётган мозорларга иззат-икром шу тариқа сингдириб борилган.

Ўтганларнинг яхши феъл-атворлари оила, қариндошуруғлар, ҳар бир яхши, ибратли ишлар кексалар томонидан рағбатлантириб, «сени тарбиялаган ота-онангга раҳмат!» деб келинган. Ҳалол-пок, меҳнаткаш одамнинг фарзанди эканини англаган одам оч-яланғоч қолганида ҳам бировнинг мулкига, ҳақига кўз олайтирмаган, ўғирлик, қаллоблик ўз авлодини, ўз халқини ҳақорат қилиш маъносида тушунилган. Охирги борадиган манзили ернинг қаъри эканини кўзи билан кўриб, қалби билан сезиб турган одам шу яккаю ягона оламда ўзидан авлодларга, халқига фақат яхши ном қолдириш ҳис-туйғуси билан яшаган, шунга интилган ва албатта эришган.

Бироқ, ўтмишни жуда илоҳийлаштириб юбориш ҳам керак эмас. Ўша кезларда ҳам битта-яримта ўғри, қаллоб ва каззоб одамлар учраган. Лекин истиқомат жойларида жамоатчилик шундай маънавий-аҳлоқий муҳит юзага келтиргани, ундай одамларнинг яшаши қийин бўлган. Ўғри, қаллоб одамларнинг фарзандларига қиз бериш ёки улардан қиз олиш ҳақоратли бўлган. Ундай одамларнинг таъзияларига ҳам одамлар ҳисоб-китоби билан боришган. Бу ҳолатларни кўрган ёшлар ўз ҳаёт йўналишларини тўғри, инсоний тарзда белгилашга интилганлар. Шунинг учун юқори қисмида 3 та хонадон бор. Тепалик бўлгани туфайли ариқдан сув келмайди. Иккинчидан, шу хонадонлар биқинида юқори қувватга эга бўлган электр станцияси мавжуд. Бу ерда аҳолининг яшаши ҳавфли. Шу туфайли шу хонадонларнинг розилигини олиб уларни участка ери ёки тайёр уй билан таъмин этилса, мозорга 1,5 гектар ер қўшилиши мумкин. Шунингдек, мозорнинг чап томонида 0,5 гектарча ерни баҳайбат бесўнақай ўсган дарахтлар қоплаб ётибди. Шу ерни ҳам тартибга келтирса бўлади.

Сағбон қабристонини умрбод сақлаб қолиш учун яна бир муҳим муаммо бор. Маълумки, шу кунларда Сағбон кўчаси Эски Жўвадан то «Октябрь 40 йиллиги» (собиқ Ачабод) маҳалласига қадар бўлган қисми тартибга солинмоқда. Сағбон қабристонининг олди қисмида кўча анча торайиб ўтади. Шу туфайли бу ерда кўпроқ йўл фалокати содир бўлиб туради. Мозор дарвозаси ёнидаги 2 хонадонни кўчириб ҳамда мозор дарвозаси 10 метр ичкарига олиса, аввало Сағбон кўчаси тўғри бўлиб кенгаяди. иккинчидан мозор дарвозаси ичкарига кириб яхши бўлади. (Ҳозир мозордаги йирик дарахтларни кесиш сабабли мозор дарвозаси бузилган).

Яна бир муҳим гап. Мозор атрофидаги 10 га яқин маҳалланинг масжиди йўқ. Аҳоли 2 йилдан буён масжид учун жой тополмай сарсон. Масжид қуриш учун маблағ бор. Лойиҳа тузилган. Агар мозор олдидаги 2 хонадонни рози қилиб, участка олиб берилса, масжидни мозор дарвозасининг чап томонига қуриш мумкин. Шунда Сағбон қабристони тартибга келиши ва янада кўркам бўлиши мумкин. Бунинг учун албатта Тошкент шаҳар Кенгаши ва шу Кенгашнинг фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси кўпчиликнинг талабини амалга ошириш учун яқиндан ёрдам бермоғи зарур.

Мен яна шу мақола мунасабати билан бир муҳим масалани айтмоқчиман. Маълумки, шаҳримиздаги кўпчилик эски қабристонларда бундан 40—50 йил муқаддам экилган терак, қайрағоч ва бошқа мевасиз дарахтлар баҳайбат ўсиб, кўпчилиги қурий бошламоқда. Буларнинг кўпчилиги иморат учун ярайди. Агар шу дарахтлар қирқиб олиниб, ўрнига арча ёки манзарали, мевали дарахтлар экилса, мозорларнинг ташқи ва ички кўриниши ҳам яхши бўларди ҳамда мозорларимиз ҳақиқий зиёратгоҳга айланган бўларди. Имкони бор жойларда мозорлардаги ариқлардан доимо сув оқиб туришга имконият яратиш зарур.

ҲАҚИҚИЙ ЗИЁРАТГОҲГА АЙЛАНСИН

Тошкент шаҳар Кенгашнинг фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Ҳожиакбар Расуловнинг «Тириклар бурчи» мақоласини қайта-қайта ўқиб жуда қониқиш ҳосил қилдим. Боиси, мен бундан 13 йил муқаддам «Марҳумлар хотирасини эъзозлайлик» деган («Тошкент ҳақиқати»нинг 1978 йил 21 июнь сонида) танқидий мақоламни ёзганимда, Ҳ. Расулов мендан ўпкаланиб:

— Танқид қилишга мозордан бошқа мавзу топилмадими? — деган эди.

Мен унга аввал шаҳримиздаги мозорларни бир айланиб чиқишни маслаҳат берган эдим. Мақолада Форобий (собиқ Чиғатой) қабристонидаги камчиликлар кўрсатилган эди. Орадан кўп ўтмай бу нуқсонлар бартараф этилди: қулоч етмайдиган бесўнақай дарахтлар қирқиб олиниб, ўрнига секин ўсадиган манзарали арчалар экилди. Икки мозор ўртасидаги қатнов кўча мозор орқасига кўчирилди, мозор атрофидаги ахлатлар тозаланиб тартибга келтирилди. Матбуотнинг кучи шунчалик таъсир этганидан хурсанд бўлдим.

Эндиликда Ҳ. Расуловнинг қуйинчаклик билан пойтахтимиздаги барча мозорлардаги аҳволни ошкора кўрсатиб, кўпчилик муҳокамасига тавсия этганлигидан яна қувондим. «Тириклар бурчи» мақоласида айтилган фикрлар, муаммолар жуда тўғри. Мен ҳам жамоатчи мухбир сифатида шаҳримиздаги кўпчилик мозорларни кузатганман. Аммо бугун хилхонамиз шу ерда бўлгани сабабли кўпроқ бориб турадиган Сағбон қабристонидаги баъзи муаммолар устида тўхтаб ўтмоқчиман.

Сағбон қабристони бундан 70—80 йиллар илгари фақат 4—5 та маҳаллага қарашли эди. Ҳастимомдаги катта мозор ва «Иттифоқ» маҳалласи рўбарўсидаги Қўшмозор тугатилгач, шунингдек Сағбон қабристони атрофида янги маҳаллалар вужудга келиши билан қабристон янада тиқилинч бўлиб қолди. Эндиликда қабристонни кенгайтириш энг муҳим муаммолардан биридир. Бунинг учун имконият бор. Мозорнинг

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, кекса педагог.

Райҳона Нарзиевна Поп район хотин-қизлар қўмитасининг раиса сифатида кўп эзгу ишларга бош-қошлигини кўпчилик таъкидлайди. У ишлаб чиқариш жамоаларида, маданий-маиший корхона хотин-қизлари ҳузурида тез-тез бўлиб аёллар дардига қулоқ тутади.

Айниқса, ўқувчи ёшлар бўлажак уй бекалари билан бўладиган мулоқотлар, ёш оилаларда бўладиган суҳбатлар унинг учун иш фаолиятининг мезонига айланган.

— Жамиятнинг соғлом бўлиши аввало оиладан бошланади. Мадомики, оила тинчлиги аёлга унинг оқилалигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўпроқ мактабларда қизлар ҳузурида ана шу тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш келажак авлоднинг баркамоллигига замин ясайди деб ўйлайман, — дейди у ҳамиша суҳбатларида.

СУРАТДА: Райҳона Нарзиева Попдаги 50-мактаб интернатнинг юқори синф ўқувчилари билан навбатдаги машғулотда.

П. АКБАРОВ сурати.

• НОШИРЛИК МУАММОЛАРИ

ҲАЁТДАН ОРТДА ҚОЛМАЙЛИК

Ҳозирги даврда табиат, жамият ва тилимизда кун сайин ўзгаришлар бўлиб турибди. Кечагина қулоғимизга ғалати бўлиб эшитилган «Мактаб ва бозор», «Дарслик ва тижорат» каби ибораларга бугун ижобий қараб, уларга тобора кўникиб бормоқдамиз.

Ёшларни инсонпарвар қилиб тарбиялаш — бу мўътабар иш, катта маърифатдир. Биз бу ишга зўр аҳамият беришимиз керак. Айниқса, ҳозир халқ хўжалигимизни, ижтимоий ҳаётимизни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлган узлуксиз таълим беришнинг ягона тизими яратилаётган бир даврда ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг роли янада ортади. Бундай шароитда маориф тизимимизни китоблар билан таъминлайдиган «Ўқитувчи» нашриёти ўқув адабиётларини ишлаб чиқарувчи чинакам саноатга айланиб қоляпти.

Бу йирик нашриёт умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар техника билим юртлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этишдек муқаддас ишни бажармоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, асосий ўқув адабиёти бўлган дарсликлар ва қўлланмалардан ташқари, яна ўқитувчилар учун методик адабиётлар, кўргазмали қўлланмалар ва дидактик материаллар, луғат-маълумотномалар, синфдан ташқари ўқишга ва ота-оналарга мўлжалланган китоблар, болалар бўш вақтларида ўқийдиган китоблар ҳам нашр этилмаса, мақсадга эришиб бўлмайди.

Ўқув адабиётларининг бу улкан уммонида мактаб дарсликлари асосий ўринни эгаллайди, албатта. Ҳозирги вақтда мактаб дарсликлари чиқаришда мушкул вазият вужудга келганлигини айтиб ўтиш керак. Нашриёт ҳар йили, ўқув йили бошланишидан икки ой олдин миллионлаб нусхада дарсликлар чоп этиб, уларни мактабларга жўнатиши керак.

Эндиликда мактабларда комплект дарсликлардан фойдаланилмоқда. Бу дарсликлар асосан сўнгги йилларда яратилган, уларга катта маблағ, муаллифлар, ноширлар ҳамда Халқ таълими вазирлигининг анча меҳнати сарфланган эди. Лекин рўй бераётган демократик ўзгаришлар, таркиб топган тузилмаларнинг бузилиши, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар натижасида китобларимиз кун сайин эмас, балки соат сайин эскирмоқда. Кечагина ёзилган китоб бугунок турмуздан орқада қолмоқда. Оқибатда турмуш бошқа-ю, дарсликлар тамоман бошқача бўлиб чиқмоқда.

Албатта, бизнинг турмуздан орқада қолгимиз келмаяпти, дасларга тузатишлар киритиб бормоқдамиз, лекин бу иш йўл-йўлакай қилинаётганидан уларни янгилаш муаммоси тўбдан ҳал қилинмаяпти. Ишимиз эса янада оғирлашяпти. Ахир, дарсликларга киритиладиган ҳар қандай туватиш — матнларни қайта теришни, бинобарин, қўшимча матбаа қувватини ва дарсликлар босиладиган танқис, қимматбаҳо плёнкаларни талаб қилади. Нашриёт қўшимча харажатлардан қочмайди. Уларни ўз бўйнига олса-да, лекин технология жараёни бу юмушларни қисқа муддатда бажариш имконини бермайди. Ва дарслик ўз вақтида чиқмай қолади. Масалан, бу йил чиқиши зарур бўлган «Табиатшунослик» дарслиги, «Ўзбек тили» ва «Рус тили» дарсликлари шу туфайли нашр режасидан олиб ташланди.

Бундан ташқари, маълумки, нашриёт янги ўқув йилига мўлжалланган мактаб дарсликларининг бир қисмини олдиндан чиқариб қўяди. Акс ҳолда белгиланган дарсликларнинг ҳаммасини ўқув йилигача чиқариб улгура олмаймиз. Масалан, биз 1992 — 93 ўқув йилида фойдаланиладиган дарсликларни 1991 йилнинг апрель ойидан чиқара бошладик. Табиийки, ижтимоий-сиёсий турмушимизда апрелдан кейин содир бўлган катта ўзгаришлар бу дарсликларда акс эта олмай қолди. Масалан, 1991 йил апрелида 9—11-синфлар учун «Француз тили», 5 ва 7-синфлар учун «Рус тили», 8 ва 11-синфлар учун «Тарих» дарсликлари босилиб чиққан эди. Табиийки, уларда бу ўзгаришлар ўз аксини топмай қолди. Бундай дарсликлар билан иш кўрганда шу ҳолни албатта ҳисобга олиш керак.

Маълумки, дарсликларни нашр этишга сарфланган маблағ, уларга кетган харажатлар ўрнини қопламаяпти. Чунки дарсликларнинг таннархи уларга қўйилган баҳолардан юқоридир. Бу ҳол нашриёт хўжалигига катта иқтисодий зиён келтирмоқда.

Жамоада нормал иш маромини сақлаб туриш, дарсликларни ўз вақтида чиқариш, улардан келган зарарларни қоплаш йўлларини қидириб топиш учун чиндан ҳам жуда кўп куч-ғайрат сарфлашимизга тўғри келяпти. Ахир матбаа хизмати, қоғоз, бўёқлар, муқова материаллари тобора қимматлашиб кетмоқда. Бозор шароити бизни янада кўпроқ ўйлантириб қўймоқда. Чет элларда дарсликлар энг қиммат китоб ҳисобланаркан, бизда эса бунинг тескариси. Ўқув адабиётларидан келадиган барча зарарларни ҳозирча нашриётнинг ўзи қопламоқда. Шунинг учун биз ҳар йили тижорий нашрлар деб аталувчи 1—2 та бадиий китоб чиқаришга мажбур бўлмоқдамиз. Афсуски, бу нашрлар учун ҳозирча бизга ҳеч ким қоғоз ажратмаяпти. Қоғоз ва матбаа базасини ўзимиз излаб топмоқдамиз.

Нашрчилик ишимиздаги катта муаммолардан яна бири муаллифларимиздан келиб тушадиган кўпгина қўлёзмалар сифатининг қониқарсизлигидир.

Муҳарририятларда бундай қўлёзмаларнинг кам-кўстини тўлдириш ёки қайта ишлашга нормативларда кўрсатилганидан ортиқ вақт ҳамда куч-ғайрат сарфланмоқда. Қўлёзмалар устидаги тузатиш ишлари ҳатто ҳарф териш ва корректура ўқиш жараёнида ҳам давом этади. Буларнинг ҳаммаси дарслик чиқариш муддатларининг кечикишига сабаб бўлади. Матбаа корхоналари ишида бўл-бўлчиликни, шошма-шошарликни вужудга келтиради. Пировард-натижада китоблар таннархини қимматлаштириб, маҳсулотимиз сифатини пасайтиради.

Дарслик яратиш тартиблари ҳам илғор тажрибага асосланган бўлиши керак. Мавжуд дастур асосида дарслик лойиҳаси яратиладиган, кейин унинг макети тузилиб, саҳифалари сони ва ҳар қайси саҳифадаги сатрлар сони белгиланадиган, илғор амалиётга ўтиш вақти келмадимикан? Макет тасдиқланганидан сўнггина муаллифлар гуруҳи танланса ва улар билан шартнома тузилиб, унда ўз қўлёзмани тақдим этиш муддати кўрсатилса, бу маъқул иш бўларди. Шундай қилинса, қайта нашр пайтларида киритилаётган тузатишлар, ўзгаришлар битта саҳифа доирасида қилинади ва бошқа бетлар ўзгармасдан қолади, харажатлар кўпаймайди. Шуни эътироф этиш керакки, дарсликларимиз маънавий жиҳатдан анча эскирган, ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилган эди. Дарсликларни буюк умумбашарий қадриятлар асосида, дўстлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-шафқат ва муҳаббат руҳида яратиш бизнинг бурчимиздир. Дарсликлар шу ғоялар билан суғорилган бўлиши, ўқитувчилар эса бу ғояларни ўқувчиларга синдиришлари керак; бунинг учун ўқитувчи зарур адабиётлари билан қуролланган бўлиши шарт. Бу муаммони ёлғиз дарсликлар чиқариш билангина ҳал этиб бўлмайди.

Болалар адабиёти ва мактаб кутубхонаси туркумидаги китобларни нашр этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Уларни рангли, жозибали чиқаришга ҳаракат қиламиз. Уларга, одатда, қардош жумҳуриятлар ва чет эл классик ҳамда ҳозирги замон адабиёти асарлари киради. Афсуски, бу китобларга прейскурантга асосан жуда паст баҳо қўйилади. Бундай китоблар ўз харажатини ўзи қоплай олмасдан, ҳам нашриётга, ҳам матбаага иқтисодий зиён келтиради. Болалар адабиёти нархларини ошириш пайти ҳам етиб келди. Акс ҳолда бу адабиёт йил сайин камайиб бораверади. Бозор сиёсати шунга олиб келади.

Муқобил дарсликлар чиқариш педагогика нашриётларининг янги йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Халқ таълими тизимида муҳим ўзгаришлар содир бўла бошлади. Анъанавий умумтаълим мактаблари билан бир қаторда гимназиялар, лицейлар пайдо бўлмоқда. Демак, уларнинг ҳаммасига ўзига хос дарсликлар керак бўлади, улар бусиз ишлай олмайди. Бу эса биздан қўшимча меҳнат, қўшимча қоғоз ва бошқа материалларни, қўшимча матбаа қувватларини талаб қилади.

Китоб нусхаларини белгилашда пухта ўйлаб ва муайян мақсадни кўзлаб иш кўрмоқ керак. Ахир олий ўқув юртлари дарсликлари ва қўлланмалари ҳар йили қайта-қайта нашр этилавермайди-ку. Шунинг учун ҳам бир китобнинг неча нусхада чиқишини белгилашда у талабаларга неча йил хизмат қила олишини ўйлаб кўриш керак.

Ҳунар-техника билим юртлари дарсликлари ва қўлланмаларига ҳам жиддий эътибор беришимиз керак. Бу ўқув юртлари ишчи кадрлар тайёрловчи манбадир. Ҳозирги кунда корхоналаримиз учун маҳаллий халқдан чиққан ишчи кадрлар ниҳоятда зарур.

Китоб тарқатиш ишларини ҳам такомиллаштириш керак. Нашриёт ўз тайёр маҳсулотини 25 фоиз савдо чегирмаси билан китоб савдоси идораси орқали сотади. Айни вақтда у китобларга буюртмалар тўплаш, ўз маҳсулотини тарғиб қилиш масалаларини ўзи ҳал этишга мажбур бўляпти. Нашриётлар ўз фирма магазинларига эга бўладиган вақт аллақачон келган. Буюртмачи-вазирликлар ҳам ўқув адабиётлари таннархини пасайтиришга интилишлари, нашр этилган китобларни китоб савдоси омборларида эмас, балки ўз омборларида сақлаш учун бундай омборларга эга бўлишлари ва ўша ерда сақлаш ҳақида ўйлаб кўришлари керак.

Ҳозир техника фанлари бўйича дарсликлари чиқаришни кенгайтириш масаласи қўйилмоқда. Бу ҳам тил тўғрисидаги қонунга асосан, юқори малакали ходимлар тайёрлаш, моддий ресурслар топиш билан боғлиқ бўлган катта бир муаммодир.

Қўйилган муаммолар ошиғинч ечимини кутмоқда. Нашриёт ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилмоқда. Лекин унинг ваколат доирасидан ташқари чиқадиган муаммолар ҳам бор. Бунда сифатли, барқарор дарсликлар чиқаришдан, халқ таълими вазифаларини ҳал қилишдан манфаатдор бўлган барча кишилар, идоралар, раҳбарлар биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари керак. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўқув китоблари нашр этишни давлат йўли билан ҳимоялаш чораларини кўриш, бу китобларнинг самарали хизмат қилиши учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш зарур.

Ўқув китоблари чиқариш соҳасида ҳозир шундай давлат сиёсати керакки, у барча иқтисодий қийинчиликларга қарамай, китоб нашр этиш ишларининг муваффақиятли бўлиши учун ҳамма имкониятларни яратсин, иқтисодий жиҳатдан юксалишга, кадрларни сақлаб қолишга ёрдам берсин. Айниқса, китобларга нарх белгилаш қоғоз билан таъминлаш масаласига оид бир қанча ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарурати етилди.

А. МИРЗАЕВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг директори.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат комитети раисининг ўринбосари, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Муҳаммаджон Мираҳмедович Мирзамуҳамедов вафот этди. Камтар, сахий қалб соҳиби катта ҳаётий ва ижодий тажрибага эга инсон ҳаётдан кўз юмди.

Муҳаммаджон Мираҳмедович Мирзамуҳамедов 1933 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё давлат дорилфунунини тамомлагач, меҳнат фаолиятини Ўзбекистон радиосида бошлади. Кейин бадиий адабиёт давлат нашриётида меҳнат қилди. Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари вазифаларида хизмат қилди.

1985 йилда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Матбуотда давлат сирларини сақлаш бош бошқармасининг бошлиқлигига тайинланди.

1988 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Муҳаммаджон Мираҳмедович Мирзамуҳамедов мана шу йиллар давомида адабиёт соҳасида ҳам баракали иш олиб борди. У Ш. Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи, «Қизилиштон» умумий номи билан аталувчи ҳикоялар тўпламини, «Ёқут — ёмғирлар гули» деган қиссалар тўпламини, Миркарим Осимнинг «Хоразм элчиси» қиссасини ва бошқа асарларни рус тилига ўгирди.

Муҳаммаджон Мираҳмедович Мирзамуҳамедовни билган, у билан бирга ишлашган, унинг адабий ижоди билан таниш бўлган кишиларнинг ҳаммаси хотирасида у абадий қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧА

⊙ МАРҒИЛОН шаҳри ҳам энига, ҳам бўйига катталашиб бормоқда. Бироқ аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласида сусткашлик бор. Эски шаҳардан хиёл четроқда қурилаётган йўлдош шаҳарча бу муаммони енгиллаштириш имконини беради.

Чимён қирларига олиб борадиган катта йўл четидаги кўркам маскан — Садкак қишлоғи атрофларидан йўлдош шаҳарча учун 500 гектар ер ажратилган. Бу ерда қулай ва кўркам уй-жой бинолари, дўкон ва ошхоналар, кино-театр ва маданият саройлари, спорт иншоотлари қад кўтаради. Ҳашаматли мачит ҳам бўлади. Атлас ва ипак — газламалар ишлаб чиқарадиган замонавий фабрикалар қурилади. Ўтган йили 93 гектарли майдонда якка тартибда уй-жой қурилиши бошлаб юборилганди. Ҳозир йўлдош шаҳарчада 2 мингга яқин оилага уй-жой қурилмоқда. Чойхона ва новвойхоналар ишлаб турибди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Фарғона вилоятининг Бешариқ шаҳри аҳолиси янги йилдан яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерда уч қаватли тиш даволаш ва ўрнатиш поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Хорижда ва мамлакатимизда тайёрланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу поликлиникада даволовчилар учун ҳам, беморлар учун ҳам қулай шароит яратилган. Бинонинг биринчи ва учинчи қаватларида болалар ҳамда катталарга, иккинчи қаватда эса уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатилади.

(ЎзТАГ)

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Д И Қ Қ А Т!

Қурилиш, лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот ташкилотларининг раҳбарлари, фақат Сизларгагина эмас, балки кооператив, кичик ва бошқа корхоналар, муассасалар ва фуқаролар ҳамда ҳозирги мураккаб шароитда қийналиб юрган, ёки ўз йўналишини тополмаётган барчага

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЯҚИНДАГИНА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«Узстройреммебельбит»

ДАВЛАТ ИЖАРАЧИ КОРХОНАЛАРИ РЕСПУБЛИКА АССОЦИАЦИЯСИГА ҚИРИШНИ ВА ХИЗМАТЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИШНИ

ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ:

ЎЗБЕКИСТОН УМҚ АССОЦИАЦИЯСИ

БОЗОР ЧОРЛАМОҚДА! Хизматлар, ғоялар, ишчи қўллари, моллар бозори чорлайди.

Ассоциациянинг тажрибали ва юксак малакали мутахассислари Сиз учун моҳирона ва ишончли, тезкор ва таъсирчан ёрдам кўрсатилишига кафолат берадилар.

Ассоциация хизматларидан фойдаланинг ва унга аъзо бўлиб киринг — ана шунда фаолиятингиз ҳақиқатан ҳам авж олиб боради.

«УЗСТРОЙРЕММЕБЕЛЬБИТ»

ДАВЛАТ, ИЖАРАЧИ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРГА, КООПЕРАТИВЛАРГА, ШУНИНГДЕК, ЧЕТ ЭЛ ФИРМАЛАРИГА

пишган ғишт, хом ғишт, оҳак, шлакоблок, керамзит блокларни чиқариш, шунингдек керамзит блоклар ва товар бетонларни тайёрлаш бўйича қўшма корхоналарни ташкил қилишда

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ёғочга ишлов бериш буюмлари, мебель ва бошқа халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи мавжуд қурилиш участкалари негизида

ҚЎШМА ҚИЧИК КОРХОНАЛАР ОЧИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ассоциациянинг барча аъзоларига тўлиқ мустақилликни, унга аъзо бўлиб кириш ва ундан чиқишнинг ихтиёрийлигини КАФОЛАТЛАЙДИ;

Бозор муносабатларига ўтишда, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклларини барпо этиш, товар қўр-қутини фаоллик билан қидириш, маркетингни жорий этиш борасида амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатади;

Ҳар қандай моллар учун олди-сотди бозорини таъминлайди;

УНИНГ ИХТИЁРИДА қудратли моддий-техника базаси, юксак малакали ходимлар БОР;

Шунингдек, УНИНГ ТАРКИБИДА республиканинг барча музафотларида жойлашган 1990 дан ортиқ ишлаб чиқариш таъмирлаш-қурилиш комплекслари бор.

АССОЦИАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

— якка тартибда тураржой биноларини, ёрдамчи иморатларни, дала ҳовли уйчаларини, ҳовлидаги қўшимча иморатларни, гаражларни қуриш;

— кенг навлар қўламидаги мебелларни таъмирлаш ва тайёрлаш;

— бошқа турдаги хизматлар (ёғочга ишлов бериш, ёғочдан халқ истеъмоли молларини тайёрлаш;

Агар Сиз ўзаро тенг ҳуқуқли хўжалик алоқаларини ўрнатиш, музофотлараро иқтисодий ҳамкорликнинг тикланишидан манфаатдор бўлсангиз,

«УЗСТРОЙРЕММЕБЕЛЬБИТ» АССОЦИАЦИЯСИГА КИРИНГ

Яратувчилик йўналишидаги ишбилармонлик ва ижтимоий фаоллиги яратувчанликка йўналтирилган барча ассоциацияга аъзо бўлиб кириши мумкин.

АГАР СИЗ БИЗ БИЛАН ШЕРИКЧИЛИК ҚИЛСАНГИЗ, ХАТО ҚИЛМАГАН БЎЛАСИЗ!

Барча манфаатдор шахсларни қуйидаги манзилда кутамиз: 700084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 48-уй.

Телефон: 35-14-10.

Телетайп: 33-63-79 «Норд».

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ
лабораториялар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ихтиология ва гидробиология, тадрижий ва хужайралар биологияси; **бош илмий ходим, катта илмий ходимлар** (2), **кичик илмий ходимлар**(2): тадрижий морфология ва хужайралар биологияси.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 20 ЯНВАРГАЧА.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700095, Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Жумҳурияти Фанлар академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ
лабораториялар бўйича
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: тупроқ микробиологияси, сут ачитқи бактерялари генетикаси (фан докторлари ва номзодлари).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7 «б» уй.

Телефонлар: 44-25-19, 41-83-31.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

Болгарияда ишлаб чиқарилган уч тонналик юк ортгичлар ва электркараларни СОТИБ ОЛАДИ.

Телефонлар: 48-16-24, 48-15-62.

Тошкент агрегат заводи «СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

«УЗСПЕЦСТРОЙ» Ўзбекистон ихтисослаштирилган қурилиш трестининг
6-ҚУРИЛИШ ПОЕЗДИ
1991 йил 30 декабрдан ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бошқаруви жамоаси кинематографчилар уюшмасининг аъзоси, саҳналаштирувчи-оператор Ҳ. Ҳасановга синглиси

Ойшакар ҚУШНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоятидаги 19-ўрта ҳунар-техника билим юрти жамоаси шу билим юртининг собиқ директори

Аҳрор Икромович ИКРОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

• СПОРТ • СПОРТ

ҲАМДЎСТЛИК ЧЕМПИОНАТИ

Ниҳоят мухлисларни ўйлантираётган муаммонинг ечими топилди. Собиқ СССР футбол чемпионати ўрнига янги тартибда мавсумни ташкил этиш йўлга қўйиладиган бўлди. Миллионлаб мухлислар яна халқ севган ўйин — футбол завқи ва қувончидан баҳраманд бўладилар. Зеро, футбол мавсуми бошланишига ҳали эрта бўлишига қарамай, мутасадди мутахассислар ҳар бир жамоанинг чемпионатга пухта шайланиш ва руҳланиб юришига имкон топдилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги футбол федерацияси уюшмасининг навбатдаги йиғилишида бу йилги чемпионатининг 1 март куни бошланиши эълон қилинди. Бу йилги чемпионатга Россия, Белорусь, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон каби Ҳамдўстлик Давлатлари ҳамда Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, шунингдек Абхазия, Приднестровья футбол федерациялари ҳам қўшилдилар.

22 футбол жамоаси икки гуруҳга бўлинди. Ташланган қуръага кўра «А» гуруҳига «Помир», «Нефтяник» (Ф), «Олга», «Копетдоғ» (Аш), «Нефтчи» (Б), «Спартак» (М), «Динамо» (М), «Локомотив» (М) «Тилигул», «Зенит», «Локомотив», (НН) футбол жамоалари киритилди. «Б» гуруҳи эса «Пахтакор» «Навбаҳор», «Қайрат», «Спартак» (В), «Динамо» (С), ЦСКА «Торпедо» (М), «Динамо» (Мн), «Ротор», «Уралмаш», «Ростсельмаш» жамоаларидан таркиб топди.

Биринчи босқич икки даврали турниридан иборат бўлади. Кейин ҳар қайси гуруҳнинг кучли беш жамоаси ўзаро курашади. Ана шу жамоалар орасида Европа кубоклари учун баҳслашувчи футболчилар олинади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубоги учун баҳсларда ҳам ана шу жамоалар иштирок этишади. Бир сўз билан айтганда футбол мавсумига республикамиз футболчилари ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Куни кеча пахтакорчилар Тошкентнинг «Трактор» жамоасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида устун келишди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№10

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—24.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.